



2017 yil «И» октабр

№ 1632-К

Toyoq sh. – г. Тойляк

**Туманда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган  
шахсларни ишга жойлантириши учун иш ўринларини  
банд қилиб қўйиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Конуннинг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлар тўплами, 2008 й. 29-30-сон, 277-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли “Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлантириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлар тўплами, 2008 й. 34-сон, 333-модда) ижросини таъминлаш максадида туман ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ўринларини энг кам микдорини белгилаш юзасидан берилган таклифларни инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Конуннинг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахслар тоифалари учун иш ўринларини банд қилиши лозим бўлган тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қайд қилинган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар қўйидаги ижтимоий химояга мухтож, иш топишда кийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга кодир бўлмаган шахслар тоифалари учун иш ўринларини банд қилиб қўйиши таъминласин:

Ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёнгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун 28,5% ( 98 киши);

ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек, олий ўкув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битириувчилари учун 52,5% (181 киши);

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 2,6% (9 киши);

ногиронлар учун 3,2% (11 киши);

туман Бандликка күмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган, пенсия ёшига яқинлашиб қолған шахслар учун 3,2% (11 киши);

жазони уташ муассасаларидан озод килингандык ёки суд қарорига күра тиббий йүсіндеги мажбуrlов чораларига тортилған шахслар учун 2,9 % (10 киши);

сафарбарлик чакируди захирасига киритилгандар учун 2 % (7 киши);

одам савдосидан жабрланган шахслар учун 2 % (7 киши);

кичик ёшли болалари булган ишламайдыган аёллар учун 2,6% (9 киши);

атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриғанлар учун 0,5% (2 киши).

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага мухтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунлашидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий микдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг колган 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд килиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд килиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидағи маълумотларни ва карор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифаси юқлатилсин.

4. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб кўйиш тўғрисидаги Низом”га асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришида қийналаётган шахслар учун банд қилиб кўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган микдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблагларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари хисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

5. Туман Бандликка күмаклашиш маркази (М.Гадоев) бир ҳафта муддатда мазкур карорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратини таъминласин.

6. Туман ҳокимининг 2016 йил 29 сентябрдаги “2017 йилда тумандада ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд килиб кўйиш тўғрисида”ги 21/65-Қ-сонли қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчий үринбосари, Мусинов зиммасига юклатилсин.

## Тұман хокими



Б.Садуллаев